

XI. МОЛИЯВИЙ АҲВОЛ

Бирламчи маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда жами фаолият кўрсатаётган йирик корхоналарнинг молиявий натижаларига асосан уларнинг фойдаси 170787,9 млн.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 89,2 фоизга (80511,9 млн.сўм қўпайган.)

Нодавлат мулкчилик шаклидаги корхоналардан олинган фойда 17040,4 млн.сўмни ташкил қилди.

2019 йилнинг 1 январь вилоятда фаолият кўрсатаётган йирик корхоналардаги фойда ҳажми (бюджет ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ширкат хўжаликларидан ташқари) 169751,8 млн.сўмни ташкил қилди. Молиявий натижалар бўйича фаолият кўрсатаётган 4 та корхона 4167,8 млн.сўм зарар кўрди.

Умумий ҳажмга нисбатан олинган фойданинг асосий қисми, яъни 81,6 фоизи Наманган шахрига (138573,2 млн.сўм), 4,5 фоизи Наманган туманига (7657,2 млн.сўм), 4,0 фоизи Туракурган туманига (6753,6 млн.сўм), 3,2 фоизи Чуст туманига (5385,1 млн.сўм) тўғри келди.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоят бўйича 4 та корхона фаолиятини заар билан якунлади. Шу жумлада 3 та корхона Наманган шахрида жойлашган булиб 2 та корхона коммунал ва 1 та корхона ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритади, кўрилган умумий зарар миқдори 4039.4 млн.сўмни ташкил этди, Поп туманидаги 1 та корхона саноат соҳасида фаолият юритади, кўрилган умумий зарар миқдори 128.4 млн.сўмни ташкил этди.

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига корхона ва ташкилотлар бўйича дебитор қарздорлик, 759562,7 млн. сўмни ташкил этиб, (2017 йил 1 декабрига нисбатан) 61824.8 млн.сўмга қўпайган, муддати ўтган дебитор қарздорлик эса 5558.3 млн.сўм бўлиб, муддати ўтгани жами дебиторликнинг 0.7 фоизини ташкил этди.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кредитор қарздорлик 1384348,9 млн.сўмни ташкил этиб, (2017 йил 1 декабрига) нисбатан 276332,1 млн.сўмга ортган. Муддати ўтган кредитор қарздорлик 6701.0 млн. сўмни ташкил этиб, умумий кредитор қарздорликнинг 0.5 фоизини ташкил этди.

Дебиторлик қарздорликнинг умумий кредиторлик қарздорликдан устунлиги 624786.2 млн.сўмни ташкил этган, муддати ўтиб кетган дебиторлик қарздорлик эса муддати ўтиб кетган кредиторлик қарздорликдан устунлиги 1142.7 млн.сўмни ташкил этди. Муддати ўтган кредитор қарздорликнинг аксарият қисми, Мингбулоқ туманида (1511.9 млн.сўм), Учқўрғон туманида (1121,0) тўғри келди.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига мониторинг ўtkазилган вазирликларда умумий дебитор қарздорлик ҳажми 508212.1 млн. сўмни ташкил этиб, вилоят бўйича умумий дебитор қарздорликнинг 66,9 фоизига тўғри келди.

Кредитор қарздорлик ҳажми 952719,8 млн. сүмга тенг бўлиб, вилоят бўйича умумий кредитор қарздорликнинг 68,8 фоизига тўғри келди.

2019 йил 1 январь ҳолатига корхона ва ташкилотлар фаолиятининг молиявий натижалари

| | <i>Фойда, зарар (+,-) млн.сўм</i> | <i>Ўтган даврга нисбатан фоизда</i> |
|-------------------------|---------------------------------------|---|
| Вилоят бўйича | 170787,9 | 189,2 |
| <i>Шахар:</i> | | |
| Наманган | 138573,2 | 214,1 |
| <i>Туманлар:</i> | | |
| Мингбулоқ | 363,7 | 106,7 |
| Косонсой | 67,6 | 38,9 |
| Наманган | 7657,2 | 282,3 |
| Норин | 1126,9 | 56,0 |
| Поп | 6937,4 | 120,5 |
| Тўрақўрғон | 6753,6 | 86,1 |
| Уйчи | 630,1 | 338,8 |
| Учқўрғон | 2757,4 | 90,5 |
| Чортоқ | 535,7 | 114,6 |
| Чуст | 5385,1 | 264,4 |
| Янгиқўрғон | 0,1 | 100,0 |

**2019 йил 1 январь ҳолатига заар билан фаолият күрсатаётган
корхона ва ташкилотлар**

| | Зарар билан ишилээтгэн корхоналар сони | Умумий корхоналар сонига нисбатан фоиз хисобида | Зарар миқдори, млн.сүм |
|------------------------|---|--|-------------------------------|
| Вилойят бүйича: | 4 | 4,1 | 4167,8 |
| <i>Шахар:</i> | | | |
| Наманган | 3 | 3,1 | 4039,4 |
| <i>Туманлар:</i> | | | |
| Мингбулоқ | - | - | - |
| Косонсой | - | - | - |
| Наманган | - | - | - |
| Норин | - | - | - |
| Поп | 1 | 1,0 | 128,4 |
| Түракүрғон | - | - | - |
| Үйчи | - | - | - |
| Учкүрғон | - | - | - |
| Чорток | - | - | - |
| Чуст | - | - | - |
| Янгикирғон | - | - | - |